

## TEMPUS «PROMENG»

### лойихасининг якуний анжумани тўғрисида қисқача маълумот

2013 й. 30-31 май кунлари Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетиди TEMPUS «PROMENG» - "Practice oriented Master Programmes in Engineering in RU, UA, UZ / Россия, Украина ва Ўзбекистонда касбга йўналтирилган магистратура ўқув дастурлари лойиҳаси бўйича якуний анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТошДТУ ва Ўзбекистондаги TEMPUS миллий офиси тарафидан ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистондаги Европа Иттифоқининг Делегацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Европа Иттифоқи Комиссиясининг техникавий ёрдамни мувофиқлаштириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш Маркази, ҚарМИИ, ФарПИ, Берлин техника университети (БТУ), Вильнюс давлат техника университети (ВДТУ), республиканинг ОТМлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, саноат корхоналари ва бошқа муассаса ҳамда ташкилотлар вакиллари, ОТМ талабалари иштирок этишди.

Анжуман иштирокчиларини ТошДТУ ректори проф. Р. Сайдахмедов ва Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи Делегацияси ҳамкорлик бўлимининг бошлиғи Доминик Уотерс табрик сўзи билан қутлашди.

Анжуманда лойиҳа якуний натижалари ва уларнинг республика таълим тизимини ривож учун долзарблиги муҳокама қилинди.

Анжуман дастурига оид НТО мувофиқлаштирувчиси А. Абдурахманова, TEMPUS «PROMENG» ва Эразмус Мундус "MANECA" лойиҳаларининг менеджери Dr. Sterenharz (БТУ) ва ВДТУ халқаро алоқалар бўлимининг директори А. Пеледиене маъруза қилдилар.

Лойиҳанинг натижалари бўйича проф. З. Шамсиев (ТошДТУ, мувофиқлаштирувчи), Ф. Маматов (ҚарМИИ, мувофиқлаштирувчи) ва Ш. Бозорбоев (ФарПИ, халқаро бўлим бошлиғи)ларнинг тақдиротлари тингланди ва муҳокама этилди. Муҳокамада лойиҳага оид базавий факултетлар деканлари, лойиҳа иштирокчилари, Ўзбекистон Республикаси ОЎМКХТРМ, Ўзбекистон ССП ва саноат корхоналарининг вакиллари сўзладилар.

Анжуман юзасидан Европа университетларининг ходимлари янги ўқув фанлари ва модуллари бўйича мастер-класс ўтказишди ҳамда, янги ўқув синф ва лабораторияларнинг ишлатиш вазибаларини намойиш этишди.

Анжуман қатнашчилари лойиҳа бажарилишини юқори даражада баҳолашди ва унинг қуйидаги натижаларини таълим тизимига бўлган аҳамиятини қайд этишди:

- кадрларни ишга қабул этувчилар талабларига мувофиқ бўлган янги ўқув фанлар ва модулларни магистратура ва бакалаврият ўқув жараёнларига жорий қилиниши, уларни тегишли ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланиши, амалиётга бевосита қаратилган ўқитиш услубияти;

- таълим тизимининг замонавий талабларига жавоб берадиган ва университетларнинг материал-техник базасини такомиллаштиришга қаратилган ишга туширилган янги ўқув синфлар ва лабораториялар;

- ҳамкор университетлар профессор-ўқитувчиларининг малакасини ва таркиб салоҳиятини ошириш йўлида уларни янги ўқув фанлар ва модуллар бўйича Европа университетларида тайёрловини амалга ошириш;

- Европа иштирокчиларининг тажрибаси асосида ОТМлар ва меҳнат бозори орасидаги корпоратив ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш учун ташкил қилинган ELM – Офислар;

- Ўзбекистон, Германия, Бельгия, Литва, Россия ва Украина университетлари орасида академик ва илмий алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Анжуман якунида лойиҳа юзасидан олинган натижаларни ривожлантириш, тарқатиш ва турғунлигини таъминлаш учун меморандум тузилди ва қабул этилди.

**«PROMENG» лойиҳасининг мувофиқлаштирувчиси  
т.ф.д., проф. З. Шамсиев**